

VOLUME 2, ISSUE 1

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



2020

KONSENSUS XALQARO JURNALI
INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2>

Bosh muharrir:
Chief Editor:

Jo'rayev Narzulla Qosimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

Saidov Sanjar Shavkatovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

Alimardonov To'lqin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Anita Sengupta
Siyosiy fanlar doktori, professor
Hindiston Respublikasi

Baydarov Erkin Ulanovich
Falsafa fanlari nomzodi, professor,
Qozog'iston Respublikasi

Farmonov Rahmon Farmonovich
Tarix fanlari doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jo'rayev Sayfiddin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jennifer Murtazashvili
Siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

Mamadazimov Abdugani
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,
Tojikiston Respublikasi

Madayeva Shaxnoza Amanullayevna
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
Zamonov Zokir Turg'unovich
PhD, O'zbekiston Respublikasi

Nurmatova Gulsayra Asanovna
Siyosiy fanlar doktori, professor,
Qirg'iziston Respublikasi

Qirg'izboyev Muqimjon
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qo'chqorov Vahob Hoshimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qodirov Anvar Kaxxarovich
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Turayev Baxtiyor
falsafa fanlari doktori,
O'zbekiston Respublikasi

Tolipov Farxod Fazilovich
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
O'zbekiston Respublikasi

Vasiliy Nikulenko
Tarix fanlari nomzodi, dotsent,
Rossiya Federatsiyasi

Chander Shekhar (Chander Shekhar)
Falsafa doktori, professor,
Hindiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
To'ychiyeva Ra'no Almatovna
O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Ирисметов Бахтияр НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОЛИТИЧЕСКОГО НА ВОСТОКЕ И ЗАПАДЕ: ОБЩЕЕ И ОСОБЕННОЕ..4	
2.Равшанов Фазлиддин АЛИШЕР НАВОЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ.....12	12
3.Акмалов Шаислам ИНДО-ПАКИСТАНСКИЙ АНТАГОНИЗМ: РАСКОЛЬНИЧЕСКАЯ ПОЗИЦИЯ ПРОТИВ ДЕРЖАВНОЙ СТРАТЕГИИ (НА ПРИМЕРЕ АФГАНСКОГО КОНФЛИКТА).....31	31
4.Шакарров Ўктам АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР...39	39
5.Иноятов Кутлуг, Маматов Улугбек ПОРТРЕТЫ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ.....47	47
6.Толипов Фарход РАҚАМЛИ ДЕМОКРАТИЯ ВА РАҚАМСИЗ ДЕМОС.....56	56
7.Мусаев Мансур ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ МАЪНАВИЙ- СИЁСИЙ ТАҲДИД СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....65	65
8.Мажидов Шерзод К ВОПРОСУ ОБ ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ.....75	75
9.Кадиров Мирсултон ГЛОБАЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....82	82
10.Агабаев Шараф ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....92	92
11.Кувандиков Ильяс ПУТИ БОРЬБЫ С ДЕГРАДАЦИЕЙ ДУХОВНОСТИ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ.....100	100
12.Расулов Бекзод ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ АСОСИ.....108	108
13.Мухтаров Уткиржон ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ.....114	114
14.Тўйчиева Раъно ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ: СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ (1990-2010 йиллар).....120	120
15.Курбанова Нодирабегим COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР.....131	131
16.Нуриддинов Сардор “БИР МАКОН - БИР ЙЎЛ” ТАШАББУСИДА ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....142	142

KONSENSUS CONSENSUS

Равшанов Фазлиддин Равшанович,
Сиёсий фанлар доктори,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси профессори

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари ҳақида билдирган фикрлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада Турон давлати тарихида XV аср Амир Темур ворислари ўртасида бошқарувга эгаллик қилиш нуқтаи назаридан кескин курашлар даври бўлганлиги айтиб ўтилган. Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда фан ва маданиятнинг барча соҳаларида ривожланиш юзага келган. Аммо, саройда турли сиёсий гуруҳларга бўлиниш, фиску фасод тобора авж олган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришда Навоийнинг катта ўрни бор эди. Ўзаро урушлар, уларнинг таъсиридаги ижтимоий ҳаёт жамиятнинг кўпчилигини ташкил қилувчи меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашишига йўл қўймаслик Алишер Навоийнинг доимий ташвишларидан бири бўлганлиги тўғрисида илгари сурилган фикрлари ёритилган.

Калит сўзлар: Турон, Амир Темур, Ҳирот, А.Навоий, давлат, маданият, жамият, раҳбар, бошқарув, сиёсат, адолат, ислоҳот.

Равшанов Фазлиддин Равшанович,
Доктор политических наук,
профессор кафедры «Социально-гуманитарных наук»
Международной исламской академии Узбекистана

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА АЛИШЕР НАВОИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье содержит научный анализ взглядов Алишера Навои на политические взгляды. В статье также упоминается, что в истории Туранского государства 15-й век был периодом ожесточенной борьбы между преемниками Амира Темура с точки зрения власти. Во времена правления Хусейна Байкара Герат развивался во всех областях науки и культуры. Однако разделение на разные политические группы во дворце обострилось скандалом. Во времена правления Хусейна Бойкаро Навои сыграл важную роль в переменах в социально-экономической жизни. Взаимные войны, общественная жизнь под их влиянием и предотвращение обострения положения трудящихся, составляющих большинство общества, были одной из постоянных забот Алишера Навои.

Ключевые слова: Турон, Амир Темур, Хирот, А.Навои, государство, культура, общество, лидер, управление, политика, справедливость, реформа.

Ravshanov Fazliddin Ravshanovich,

Doctor of political sciences,
Professor, department of Social and human sciences
International Islamic Academy of Uzbekistan

POLITICAL VIEWS ON NAVOI ALISHER

ABSTRACT

This article contains a scientific analysis of Alisher Navoi's views on political views. The article also mentions that in the history of the Turanian state, the 15th century was a period of fierce struggle between the successors of Amir Temur in terms of power. During the reign of Hussein Baykar, Herat developed in all areas of science and culture. However, the division into different political groups in the palace was aggravated by scandal. During the reign of Hussein, Boykaro Navoi played an important role in the changes in socio-economic life. Mutual wars, social life under their influence and the prevention of aggravation of the situation of workers, who make up the majority of society, were one of Alisher Navoi's constant worries.

Key words: Turon, Amir Temur, Hirot, A.Navoi, state, culture, society, leader, management, politics, justice, reform.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Турон давлати тарихида XV аср Амир Темур ворислари ўртасида бошқарувга эгаллик қилиш нуқтаи назаридан кескин курашлар даври бўлган эди. Шунга қарамай, бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда маданий ривожланиш ўзининг барқарор ўсиш даражасини йўқотган эмас. Гарчи Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбекдан кейин Туроннинг Мовароуннаҳр қисмида амирзодалар ўртасидаги давомий низолар туфайли ривожланиш бир қадар сусайган бўлса-да, Ҳусайн Бойқаро даврида унинг маданий марказига айланган Хуросон қисми, хусусан, Хиротда фан ва маданиятнинг барча соҳаларида ривожланиш юзага келган. Бу жараён ва давр буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Илмий мақолада умум қабул қилинган тарихийлик, сиёсий анализ ва қиёсий таҳлилий методларидан фойдаланилди. Шунингдек, мавзуга тегишли миллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотларидан кенг қўлланилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Таъкидлаш лозимки, XV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳокимият талашуви ғоятда кескин тус олиши билан характерланади. Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг (1449 йил 27 октябрь) унинг ўрнини эгаллаган ўғли Абдуллатиф бир қатор амирлар, беклар, махфий хизмат, қўриқлаш хизмати вакиллари ва дин арбоблари келишуви билан 1450 йил 8 майда тахтдан ағдарилди ва ўлдирилди. Сиёсий тизимда ўз мавқеларини мустақамлаб олган юқоридаги кучлар ҳокимият тепасига Мирзо Иброҳим Султоннинг ўғли Мирзо Абдуллани ўтқаздилар. Тарихий манбаларда у ҳукмронлигининг биринчи кунлариданоқ ижтимоий-сиёсий тартиб, бошқарув тизимини Мирзо Улуғбек давридаги ҳолатга қайтаришга уринганлиги қайд этилади. Бу ислохотларни у аввало қўшин, унинг раҳбарларини рағбатлантиришдан бошлайди. Бу эса шу вақтга келиб, чексиз эркинликка эга бўлиб олган айрим гуруҳларга ёқмайди ва натижада уни йўқотишга киришадилар. Улар сал илгари Абдуллатифга қарши курашда енгилиб, Бухорога қочган амирзода Абусаид билан уни Самарқанд тахтига олиб келиш юзасидан алоқа ўрнатадилар ва уни ўша вақтда Бухоро атрофини бошқариб турган Абулхайрхондан кўмак олишга ундайдилар. 1451 йилнинг ёзида Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғи ёнида Абдулла Мирзо ва Абулхайрхон қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Бу

жангда Мирзо Абдулла кўшинлари енгиллиб, ўзи ўлдирилади. Мовароуннахр ҳокимияти Мироншоҳнинг набираси Абусаид Мирзо қўлига ўтади.

Бу даврда Хуросон (Ҳирот) ҳокимияти Шоҳруҳ Мирзодан сўнг, унинг набираси Абулқосим Бобур (Мирзо Бойсунғурнинг ўғли) ҳукмронлигида эди. Мовароуннахр ва Хуросон гарчи Турон давлатининг икки худуди бўлса-да, улар Шоҳруҳ Мирзодан сўнг амалда икки мустақил давлатга айланган, нафақат бир-бирини сиёсий жиҳатдан тан олмас, балки сиёсий тизим вакиллари кутқуси билан тез-тез урушиб ҳам турганлар. Масалан, 1454 йилда Мирзо Абулқосим Бобур Самарқандга муваффақиятсиз ҳужум қилади, Мовароуннахрда эса Абдуллатифнинг ўғиллари — Мирзо Аҳмад ва Мирзо Муҳаммад Жўгийлар билан Мирзо Абусаид ўртасида ҳокимият учун жанглар бўлади. 1455 йилда Абусаид Аҳмадни ўлдиради, Муҳаммад Жўгий эса яна ўша Абулхайрхондан ёрдам сўрайди. Абулхайрхон эса энди унга ёрдам беришга ўтади. 1457 Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этиб, Хуросонда ҳокимият бошқарув тизимининг кичик сиёсий гуруҳлари орасида талашга айланади. Абусаид вазиятдан фойдаланиб, Мовароуннахр ва Хуросонни бирлаштиришга интилади ва Ҳиротга юриш қилади. Мирзо Абусаиднинг йўқлигидан фойдаланган Мирзо Муҳаммад Жўгий Абулхайрхон ёрдамида Мовароуннахрни босиб олади. Лекин шу йилнинг ўзида Мирзо Абусаид тезда Мовароуннахрга қайтиб, Муҳаммад Жўгийни енгади. Шундай қилиб, 1457 йилдан бошлаб Турон худудлари қайтадан бирлаштирилган бўлса-да, бошқарув тизими таркибидаги, шаҳзодаларни марказий ҳокимиятни эгаллашга ундовчи кучларга тўла барҳам берилмаган. Мирзо Абусаид бунга қаттиқ уринган бўлса-да, бундай кучлар таъсирдан шаҳзодаларни тортиб олишга тўла эриша олмаган. Масалан, Мирзо Абусаиднинг Мовароуннахрда тартиб ўрнатиш билан бандлигидан фойдаланган Астробод ҳокими амирзода Ҳусайн Бойқаро (Умаршайхнинг эвараси) Мирзо Абулқосим Бобурнинг собиқ бошқарув тизими вакиллари ва ҳарбийлари қўллаб-қувватлаши билан 1458 йил Ҳиротга ҳужум қилади. Мирзо Абусаид Муҳаммад Жўгийни бартараф этар-этмас, Хуросонга қайтиб, Ҳирот ва Астрободни қайтадан бўйсундиришга мажбур бўлади. Бошқарувдан маҳрум қилинган Ҳусайн Бойқаро эса энди Хуросонга тўхтовсиз босқинлар уюштириб, Мирзо Абусаидни доимий равишда ташвишга солди. У Хоразмда жойлашиб олиб, у ердан 1460 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа кўплаб катта кичик шаҳарлар ва жойларга ҳужумлар қилиб турди.

1468 йилда Мирзо Абусаид Мовароуннахр ва Хуросонни бутунлай бирлаштириб, аллақачон мустақиллик даъволарини қилаётган Озарбайжон ва Қорабоғ ҳокимларига қарши отланганда, Ҳусайн Бойқаро Мирзо Абусаидга қарши ҳатто Абулхайрхондан гарчи ололмаган бўлса-да ёрдам сўрайди. Лекин кўп ўтмай, Мирзо Абусаид Озарбайжоннинг Мўғон чўлида Узун Ҳасан билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Мирзо Абусаиднинг ўғиллари Султон Маҳмуд ва Султон Аҳмад аввал Ҳиротга қайтадилар. Мирзо Абусаиднинг ўлимини эшитган хуросонликлар қайтадан гуруҳлашишни бошлаб юборган эдилар. Бу аҳвол мамлакат маркази Самарқандда ҳам юз бераётган эди. Султон Маҳмуд билан Султон Аҳмад Хуросон ва Ҳиротни ташлаб Самарқандга кетишга мажбур бўладилар. Юзага келган вазиятдан фойдаланган Ҳусайн Бойқаро 1469 йил 24 мартда Хуросон (Ҳирот) тахтини эгаллайди. Шу билан Турон яна иккига мустақил давлатга бўлиниб, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги (1469-1505), Мовароуннахрда эса Мирзо Абусаид авлодлари ҳокимияти (1469-1494) қарор топади.

Бу давр Мовароуннахр бошқаруви тарихларда ижобий баҳоланмайди, мамлакатда иқтисодий тушкунлик авж олади. Ундаги турли сиёсий гуруҳлар — худудлар ҳокимлари, беқлар ўртасидаги кураш, низолар кўпаяди. Мана шундай бир вақтда, XV асрнинг охирига келиб, мамлакатнинг Шимолий чегараларида мустақамланиб олган Шайбонийхон аввал бирин-кетин Ўтрор, Саврон ва Ясси шаҳарларини босиб олади. Кейин Мовароуннахрда ҳокимиятга эриша олмаётган

бекарор сиёсий гуруҳларни ўз томонига оғдириб, охир-оқибатда Самарқанд 1500 йилда Шайбонийхонга жангсиз таслим бўлади[1].

1469 йил давомида Ҳусайн Бойқаро Хуросоннинг барча ҳудудларини ўз ҳокимиятига бўйсундиради ва шу вақтлардан бошлаб ўз бошқарув тизимини яратишга киришади. Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий сиёсий тарихда мана шу даврлардан бошлаб кўзга ташланади.

Айрим тарихий манбаларнинг хабар беришича, Ҳусайн Бойқаро Самарқандга Султон Аҳмадга хат ёзиб, Алишер Навоийни ўз ҳузурига юборишни талаб қилади. Навоий Ҳиротга келгач, Бойқаро уни муҳрдор лавозимига тайинлайди ва бу буюк шоир сиёсий фаолиятининг бошланиши эди. Унинг ҳаёти низоларга тўла бир даврда кечганлигини инкор этиб бўлмайди. Навоий Ҳиротга келар-келмас, сиёсий тизим ичидаги турли мақсадларга эга бўлган гуруҳларнинг зиддиятли муносабатларига дуч келади ва бутун умр бу зиддиятларга барҳам бериш, курашувчи томонларни муроасага келтириш, жамият ривожини қўллаб-қувватлаш масаласида бошқарув институтлари фаолиятини бир мақсадга йўналтиришга ҳаракат қилиб яшади. Бошқарув тизимидаги турли низолар, жамиятдаги турли қўзғолонлар унинг бутун ҳаёти давомида тўхтаган эмас. Масалан, 1469 йилда Астрободда Мирзо Муҳаммад Ёдгор исён қилган бўлса, 1470 йилда Балхда Аҳмад Муштоқ қўзғолон кўтаради. Ҳусайн Бойқаро уни бостиришга отланганда эса, фурсатдан фойдаланган Абулхайрхон Ҳиротда тахтни қўлга олмоқчи бўлади. Шу йилнинг охирида Абубакр деган киши бошчилигида афғон қабилалари бош кўтардилар. 1490 йилда Астрободда Амир Мўғул, Балхда Дарвиш Али исён кўтаради. Шу йили Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамон билан биргаликда Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд билан ҳам урушиб уни бостиришга мажбур бўлади. Бу орада Ҳусайн Бойқаронинг Бадиуззамон билан муносабати кескинлашиб, оқибатда Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо ҳалок бўлади. Бунинг натижасида эса ота ва ўғил ўртасида ҳарбий тўқнашувлар юз бериб, Бадиуззамон отасининг бир қатор ҳудудларини босиб олади. 1499 йилдаги келишувлар оқибатида Хуросоннинг ўзи ҳам иккига бўлиниб бу мамлакатнинг янада кучсизланишига олиб келади. Бундан ташқари, шу йиллар давомида Хуросоннинг турли ҳудудларида ҳокимлик қилган Ҳусайн Бойқаронинг бошқа ўғиллари Абулмуҳсин, Муҳаммад Ҳусайнлар ҳам оталарига қарши бир неча бор қўзғолон кўтардилар. Саройда турли сиёсий гуруҳларга бўлиниш, фисқу фасод тобора авж олади. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ҳаёти, унинг иқтисодий қудратига, халқ турмушига катта зарар етказди. Навоий буларнинг барчасини тўхтатишда Ҳусайн Бойқаронинг яқин кўмакчиси бўлди.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда сезиларли даражада жонланиш бўлди, шубҳасиз, бу жараёнларда Навоийнинг катта ўрни бор эди. Ўзаро урушлар, уларнинг таъсиридаги ижтимоий ҳаёт жамиятнинг кўпчилигини ташкил қилувчи меҳнатқаш халқнинг аҳволи оғирлашишига йўл қўймаслик Алишер Навоийнинг доимий ташвишларидан бири бўлган эди.

Тинимсиз урушлар уларнинг баҳонасида мавқеини оширишга интилган манфаатпараст гуруҳларнинг ривожланиши, уларнинг мулкларни суюрғол, тархон, вақф ва бошқалар тарзида ҳадялар олишини кўпайтириб борди. Бу ҳол, биринчидан, бошқарув тизими таркибидаги майда сиёсий тўдаларни кўпайтириб, ҳатто баъзиларини мустақиллик учун курашга қадар олиб борар, иккинчидан, марказий ҳокимиятнинг обрўсини тўкиб, заифлаштирар, унинг хазинасини тобора камбағаллаштирарди. Тарихчилар томонидан бу даврларда солиқнинг хирож, тавож-жухоти хорижий, авиризот, саршумор, зобитона, доруғона, миробона, мухассилона, соҳиб жамъона, бегор[2] (деҳқонларнинг қарз эвазига текинга ишлаши) каби турларининг бир йўла бир неча йилликлари йиғилгани маълум. Шунинг натижасида кўпинча халқ қўзғолонлари бўлиб турган. Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг Астрободга Муҳаммад Ёдгор қўзғолонини бостиришга жўнаганида сарой амалдорлари халққа катта

солиқ солиши натижасида (1470) Ҳиротда кўзғолон кўтарилгани бунинг далилидир. Мана шу кўзғолонни ҳам ҳарбий кучларсиз, мулоқот асосида ёлғиз Алишер Навоийнинг ўзи бостирган эди.

Шунга қарамай, Алишер Навоийнинг катта таъсири остида XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот Турон давлатининг йирик маданият марказига айланди. Унда кишлоқ хўжалиги, хунармандлик, савдо-сотик, хорижий алоқалар, тиббиёт, таълим каби соҳалар, аниқ ва табиий фанлар, маънавият ва маърифат, адабиёт, фалсафа, архитектура, миниатюра, каллиграфия, мусиқа, қисқаси, санъатнинг кўплаб турларида кучли ривожланиш юз берди. Масалан, Мирзо Улуғбекдан сўнг Ҳиротда аниқ фанлар соҳасида Мавлоно Муҳаммад Олим, Султон, Маҳмуд, Мавлоно Кавкабий, Хожа Авҳад Муставфий каби астрономлар, Хожа Абул Вафойи Хоразмий, Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Абулқаҳҳор каби кимёгарлар, Мавлоно Ҳаким, Мир Ислом Ғаззолий каби табиблар[3] фаолият олиб бордилар. Шунингдек, Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида Ҳиротда аниқ фанлар ҳам ривож топганлиги, жумладан, Навоийнинг аниқ фанлар илм аҳлига кўрсатган ёрдамлари ҳақида эслаб ўтади[4].

Бу даврда Ҳирот маданияти, айниқса, фалсафа, адабиёт, тарих, мусиқа, тишунослик, рассомчилик, хаттотлик каби соҳаларда жуда юксак натижаларга эришганки, кейинги тарихда мазкур санъатлар борасида жаҳон маданияти тараққиётига қўшилган ҳисса жуда кўп олимлар томонидан ўрганилган ва бу юксалишда Алишер Навоийнинг улуши бекиёс бўлганини эътироф этишган[5]. Ана шу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда адабиёт соҳасида «малик ул-калом» Лутфий, Абдурахмон Жомий, Амир Шайхим Сухайлий, Мавлоно Сайфий, Осафий, Биноий, Ҳилолий, Ҳотифий, Беҳиштий, Гадоий, Паҳлавон Муҳаммад каби ўнлаб машҳур шоирлар ижод этганлар[6].

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даври тарих фанининг ривожланишида ҳам ёрқин даврлардан бири ҳисобланади. Бу ерда Ҳофизи Аbru (у Шоҳруҳ даврида «Зубдатут-таворих» («Солномалар қаймоғи»), 1427 йилгача), Абдураззоқ Самарқандий («Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши» ва икки денгизнинг қўшилиши», 1427-1471 йиллар), Мирхонд («Равзатус-сафо»), Хондамир («Ҳабибус-сияр»), Исфизорий («Тарихи Ҳирот»), Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкиратуш-шуаро») каби кўпгина тарихчилар ижод қилган, ва улар ёзган тарих асарлари XIV-XV асрларнинг энг ишончли манбаларидан ҳисоблаб келинади. Зайнуддин Восифий ўзининг “Бадоёе ул-вақоёе” номли эсдаликлар шаклидаги тарихида бу илм аҳлининг кўпчилиги Алишер Навоийнинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан ижод қилган ва яшаганлигини таъкидлайди[7].

Адабиёт ва санъатнинг йирик ҳомийси Алишер Навоий, Бобир айтганидек, ўзи ҳам кўпгина ажойиб куйлар яратган. Унинг бевосита раҳбарлиги ва ғамхўрлиги остида Абдуқодир Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Хожа Абдуллоҳ Садр, Шоҳқули Ғижжакий, Мавлоно Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожа Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий каби санъаткорлар мусиқий ижод ва ижрочилик билан шуҳрат қозонганлар[8].

Алишер Навоийнинг бевосита таъсирида ривожланиб жаҳон тарихига юксак намуналар тақдим этган соҳалардан бири ўша даврда тасвирий санъат[9] бўлди. Навоий Мирзо Шоҳруҳ ва Бойсунғур Мирзо замонларида ташкил топган Ҳирот тасвирий санъат мактабини янада ривожлантирди. Натижада ўзининг Беҳзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али Чехракушо, Мавлоно Ҳожи, Муҳаммад Наққош, Дарвеш Муҳаммад ибн Муҳаммад Мўмин, Султон Муҳаммад, Абдулла Марварид Кирмоний, Мавлоно Музаффар Али наққош, Хўжа Абдулазиз наққош, Ашрафхон Мир Мунший, Мавлоно Юсуф каби қатор истеъдодли рассом ва наққошлар билан Ҳирот ҳанузга қадар эътироф этиб келинадиган машҳур “Ҳирот мактаби”ни яратди. Айниқса, Беҳзод бошлиқ Ҳирот рассомлик мактаби улкан

ютуқларни қўлга киритган ва ўзидан кейинги асрларда ижод этган рассомлар ижодига катта таъсир кўрсатган эди. Шу ўринда айтиш лозимки, Ҳирот тасвирий санъати мактабининг кейинчалик бутун жаҳонга танилган вакили Камолиддин Бехзод[10] оддий хунарманд фарзанди бўлган. У Мирак Наққошдан таълим олиб, сўнг Алишер Навоий хизматида, унинг китобхонасида ишлайди, кейинчалик, Султон Ҳусайн кутубхонасининг раиси даражасига кўтарилади.

Шарқ халқларининг узоқ асрлик маданий мероси тарихида китобат санъати ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Китоб яратиш ва хаттотлик санъати Ҳусайн Бойқаро давлатида, хусусан, Алишер Навоий таъсирида янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу даврда Ҳиротда Султон Али Машҳадий, Муҳаммад котиб, Султон Али Койиний, Абдулжамил хаттот, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Амин Ҳалвоий, Мирали Рафикий, Дарвеш Муҳаммад Самарқандий, Марварид Баёний, Мирак Наққош, Бухорий, Абдурахмон Мунший, Абдулазиз Самарқандий, Бақоий, Хўжа Али Самарқандий, Хурдак Самарқандий каби дунёга таниқли китобат ва хат усталари етишиб чиқди[11].

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг бевосита ғамхўрлиги ва таъсири остида Хуросонда жуда кўп соҳалар ривожланишнинг юксак чўққисига кўтарилди. Айниқса, Ҳирот маданий ҳаётининг юксалишида Алишер Навоийнинг хизмати катта бўлди. XV асрнинг биринчи ярмида сиёсий нуқтаи назардан нисбатан барқарорликка эга бўлган Хуросонда ижтимоий-маданий ривожланиш палласига кира бошлаган Ҳирот, шу асрнинг иккинчи ярмида нафақат Хуросонда, балки бутун мусулмон Шарқда кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган энг йирик маданият марказига айланди. Ҳиротга ўша вақтларда дунёнинг барча худудларидан турли-туман ташрифларни кузатиш мумкин бўлган.

Ҳусайн Бойқаронинг давлат бошқарувида кенг дунёқарашли одам бўлган ва, айтиш пайтда, давлатида Алишер Навоий шубҳасиз юксак ўрин тутганини унинг ўзи ҳам “Рисола” асарида эътироф этган. Ҳусайн Бойқаро аввало ўз сиёсатида “ғурур ва кусурларга йўл бермай, баъзи тахтга мушарраф қилинган аждодларининг зулмпешалик, тажовузкорлик ва вақф қондаларини бузганликларини бартараф қилиб, улардан ўзгача йўл тутган”лигини баён этади. У шунингдек, “мадрасалардаги тартиб, уларда ўтиладиган фанлар, қатор мамлакатлардан талабалар келиб бу мадрасаларда таҳсил олиши, мударрис ҳамда талабалар учун яратилган шароитлар, тожир ва муҳожирлар йўлларидаги хавф-хатарларни йўқотиш, манзилларда работ, карвонсаройлар бино қилиш ишлари” йўлга қўйилганини таъкидлайди[12]. Шуларнинг ўзи Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давомида жамиятни ривожлантиришга қандай интиланлигини кўрсатиб туради.

Муаллиф ўз рисоласида Навоий билан ҳар масалада ҳамиша ҳамсухбат, ҳамдам бўлганлигини қайд этади: “у чодирий киши қорамдин куллуқ силкидин кўкалтошлиқ бойрисиға етган ва мулозамат тариқидин мусоҳабат сармоясин этган ҳарам кабутаридек пардасарой хилватида маҳрам ва суроҳий батидек шабистон суҳбатида ҳамдам, ҳақ сўз адосинда далер, яъни Мир Алишер аслаҳаллоху шонаҳуқим, таҳаллуси Навоийға машҳурдурур ва ашъорида бу таҳаллуси мастур — турк тилининг ўлган жасадиға Масих анфоси била руҳ кюрди ва ул руҳ топқонларға туркий ойин алфоз тору пудидин тўқулғон хулла ва ҳарир кийдурди”[13]. Рисолада Ҳусайн Бойқаро Навоий билан бир давр, бир давлатда яшаганлигига шукрона келтирган: “Бу янглиғ ғаройиб осор ва бадоеъ шиорнинг хуружи бу давлатда зуҳури бу салтанатда бўлғонким, ҳақ субҳонаҳу ва таоло ани бу даргоҳи фалак мисол куллуғининг озими ва бу зоти малак хисол маддоҳларининг нозими қилди ҳам мужиби кўп шукр турур”[14]. Хуллас, асардан Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам ривожланиш масалаларига кенг эътиборли, таназзулга юз тутган соҳаларни кўра оладиган ва уларни тиклашга интиланган, айтиш пайтда, мураккаб бадиий ижод ва адабий жараённи яхши тушунган, сиёсатни тўғри йўналтиришга ҳаракат қилган ҳукмдор сифатида намоён бўлади.

XX асрда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва меросини ёритиш борасида А.К.Боровков, Е.Э.Бертельс, О.Шарафуддинов, Садриддин Айний, Ойбек, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султонов[15] каби олимлар томонидан қатор фундаментал асарлари яратилган. Лекин уларнинг аксарияти биографик ва унинг бадиий ижоди масалаларига қаратилгани билан характерланади. В.Бартольд “Мир-Али-Шир и политическая жизнь” асарида Навоий бошқарувдан қочиб, таркидунёчиликка берилиб яшаган дея қайд этади, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди эса бутунлай бунинг аксини кўрсатади[16]. Буни ўз вақтида турколог олим А.К.Боровков ҳам таъкидлаб, В.Бартольд нотўғри фикр юритгани, Навоий ҳамиша сиёсий муносабатлар марказида тургани, бошқарув ишларида Ҳусайн Бойқаронинг яқин маслаҳатчиси бўлганини тўғри таъкидлайди[17]. Алишер Навоий ҳақида сўнгги йилларда яратилган тадқиқотларда олимлар, асосан, шоирнинг ҳаётида юз берган воқеалар юзасидан фикр юритадилар. Бироқ, Навоий ижоди ва асарларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, у доимий равишда сиёсий фаолиятда бўлган, бошқарув ишларида фаол қатнашган ва бу масалаларга доир жуда кўп ва қимматли фикрларни ёзиб қолдирган.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг бошқарув ва раҳбаршунослик соҳасига оир қарашлари ҳақида тадқиқот олиб борганда у ҳақида бошқалар томонидан ёзиб қолдирилган адабий, тарихий, мемуар ва бошқа тарздаги асарлар, фикрлар билан бир қаторда Навоийнинг ўз асарларига ҳам асосий манба сифатида қараш лозим.

Навоий ҳаёти давомида сиёсатни яхши англаган, бошқарув масалаларида салоҳиятли раҳбар сифатида Ҳусайн Бойқаро давлатида катта ишларни амалга оширди ва элнинг назарига тушди. Ўрни келганда айтиш керакки, унинг сиёсий ва бошқарув жараёнлари билан боғлиқ ҳаёти жуда эрта бошланган. Унинг аждодлари Мирзо Шоҳруҳ хизматида бўлишган, отаси Амир Ғиёсиддин Шоҳруҳдан кейин Хуросонда ҳукмронлик қилган унинг набираси Абулқосим Бобур хизматида эди. Самарқандда Мирзо Абусаид, Ҳиротда Абулқосим Бобур ҳукмронлик қилган бу даврларда Турон амалда иккига бўлиниб кетган ва ҳар бирининг бошқарув тизими ўзига хос сиёсий гуруҳлардан ташкил топган. Бобур вафотидан кейин, унинг қўл остида бўлган темурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланиб, Хуросонда тарқоқлик, таназзул авж ола бошлайди. Темурийлар ҳукмронлигининг сақланиб қолиши учун бу курашларга барҳам бериш керак эди. Бу ишга Мовароуннаҳр ҳукмдори Мирзо Абусаид киришади ва 1457 йилда Хуросонни бўйсундириб Темур ва Шоҳруҳ давридаги Турон давлатининг катта ҳудудини қайта тиклайди. Сиёсий тизимдаги ўзгаришлар албатта бошқарув тизими таркибидаги манфаатдор доираларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу ҳол Хуросон бошқарув тизимида ҳам юз берган. Мирзо Абусаид Хуросон сиёсий ҳокимияти таркибини ўз тарафдорлари билан алмаштиради ва Абулқосим Бобур сиёсий элитасини келажақда ўзига қарши исён кўтаришларидан сақланиш мақсадида тарқатиб юборади. Ўша даврда шахсни сиёсий ҳокимиятдан четлатиш ва унинг кейинги сиёсий интилишларига барҳам бериш йўлларида бири бу уни лавозимидан бўшатишдан ташқари, эгаллаб турган мулкларидан маҳрум қилиш бўлган. Абусаид Хуросонда худди шундай ишни амалга оширди. Унинг назарида, давлат ҳокимиятининг мустақамлиги ва сиёсий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш шуни талаб қилар эди. Натижада амалсиз, мулксиз қолган Бобур элитаси вакиллари темурий шаҳзодаларни Абусаидга қарши ундай бошладилар. Мана шундай четлаштирилган таркибда Алишер Навоийнинг оиласи ҳам бор эди. 1456 йилда вафотидан олти ой илгари Абулқосим Бобур ўз қароргоҳини Машҳадга кўчирган эди. Манбаларда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, уларнинг оилалари ҳам у билан бирга кўчганлиги қайд этилади[18].

Навоий 1464 йил Ҳиротга қайтади. Бу вақтда Навоий оиласининг барча мулклари мусодара қилинган эди. Навоий ва Мирзо Абусаид ўртасидаги совуқ муносабатларни бу борада тадқиқотлар олиб борган баъзи олимлар қуйидагича изоҳлашади:

- Алишер Навоийнинг ёшликдан дўсти, мактабдоши бўлган Ҳусайн Бойқаро Абусаид режаларига панд бериб, унга қарши сезиларли курашаётган эди.

- Ҳусайн Бойқаронинг Абусаидга қарши бу ҳаракатларида Алишер Навоийнинг тоғалари — Мир Саид (Кобулий) ва Муҳаммад Али (Ғарибий)лар Бойқаронинг энг суянган кишиларидан, фойдали маслаҳатлар берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳарбийларидан бўлиб, 1461 йилда Сарахс учун бўлган жангларда Абусаид ўз жосуслари орқали ҳар иккаласини қатл қилдирган эди.

- Абусаиднинг мамлакатда юргизаётган сиёсати, давлатни идора қилиш усули Алишер Навоийда норозилик туғдирар эди. Абусаид тахтни қўлдан бермаслик йўлида темурийлардан бир қанчасини арзимаган сабаблар билан ўлдиртириб юбораётган эди. У Бадахшонни у тўла бўйсундириш учун, Алишер Навоий билан яқин дўст бўлган Бадахшон шоҳи, шоир Лаълий ҳамда унинг ўғлининг бошини кестиради. Абусаиднинг бу қилмишларига Алишер лоқайд қарай олмас эди.

- Навоийнинг ўзи қайд этишича: «Султон Абусаид Мирзо замонидаким, Хуросон аҳли Самарқанд аҳлига (бу ўринда Самарқанддан Абусаидга эргашиб келган амалдорлар кўзда тутилади) асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва тааддики, алардин воқеъ бўлса, бу асирлар (Ҳирот аҳолиси) мутеъ ва фармонпазир». Навоий буларга бепарво бўлолмас эди[19].

Хуллас, Алишер Навоийда ҳам Мирзо Абусаидда ҳам келишмовчилик учун етарли асослар бўлган. Шунга қарамай, Алишер Навоий Ҳиротда икки йилга яқин яшади ва низоларда иштирок этмаганлиги учун Абусаид унга тазйиқ кўрсатмади, фақат 1466 йилда уни Самарқандга жўнатиб юборди. Назаримизда, Абусаид ёшликдан элга танилган бундай талантни Ҳиротда тинчимаётган сиёсий бухронлардан асраб қолиш учун ҳам шундай қилган. Бунда Мирзо Абусаид Навоийни тортиши мумкин бўлган ўзининг сиёсий мухолифларидан унинг ҳар ҳолда узоқроқда бўлишини назарда тутган бўлиши мумкин. Лекин бу жараёнлар Навоий ҳаётида чуқур из қолдириб, унинг бутун ижодида Абусаидга нисбатан салбий муносабат сезилиб туради.

Алишер Навоий Самарқандда эътибордан четда бўлмаган, аксинча, Самарқанднинг бош амирларидан Аҳмад Ҳожибек хизматида бўлган. Бу Хондамир ҳикояларига кўра у сиёсий жараёнлар, жумладан, бошқарув ишларида иштирок этганидан дарак беради[20]. Навоийнинг бошқарув ишларида қатнашиши унинг ҳокимиятда расмий лавозим ёки бошқа бир мавқега эга бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, адабиётшунос олим А.Ҳаётметовнинг таъкидлашича, «Томут-таворих» муаллифи ҳам «Амир Алишер Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) хизматидин олдин Самарқандда бир қанча вақт Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими бўлган... ва чигатой амири деган мансабга эга эди», деб ёзганида ҳақиқат бордек кўринади»[21]. Хондамир ҳам Мирзо Абусаид замонида Алишер Навоий амир Ҳасан Арҳангий ёрдамчиси (навқари) бўлганини қайд этади[22]. Қолаверса, Алишер Навоийни ўзига яқин кўрган, ўша вақтда пойтахт (Самарқанд) қўшинлари амири бўлган Аҳмад Ҳожибек Мирзо Абусаиднинг энг ишонган амалдорларидан бири эди. Султон Аҳмад (Мирзо Абусаид ўғли) ҳам унга қулоқ солар эди. Академик В.Абдуллаев Алишер Навоий Самарқандда унинг хизматида бўлгани ва сиёсат, бошқарув ишларида ҳам тажриба орттирганини айтади[23]. Демак, Мирзо Абусаид Алишер Навоийга нисбатан душман кайфиятда бўлмаган, уни Хуросондан узоқлаштирилиши ҳар томонлама эҳтиёткорлик юзасидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

1469 йил Ҳиротга қайтган Алишер Навоийни Ҳусайн Бойқаро муҳрдорлик лавозимига тайинлайди. Алишер Навоий давлатнинг барча ҳужжатларини ўз қўлидан ўтказар ва унга муҳр босиб, расмийлаштирар эди. Хондамирнинг хабар беришича, “Тўра қоидалари”га кўра давлат кенгашларида Навоий Мирзо Бадиуззамон ва ҳарбий амир Музаффар Барлосдан кейинги ўринни турган[24]. Мазкур лавозим Навоийга бутун давлат сиёсати ва бошқаруви, шунингдек, сиёсий тизимда фаолият олиб борган

амалдорларнинг мақсад ва манфаатларини ҳужжатлар асосида кузатиб бориш ва ўрганиш имкониятини берган. Шунингдек, давлат муҳри билан чиқадиган ҳужжатлар, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалар нуқтаи назаридан жуда муҳим бўлиб, улар ҳақида Навоий ҳукмдор билан бевосита мулоқот қилиб туриши керак бўлган. Бу эса унинг ҳам тажрибаси, ҳам бошқарувдаги мавқеининг юксалишига сабаб бўлган. Айтиш лозимки, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни бу лавозимга қўйишида уни бошқарув тизимини тартибга солиниши, бошқарув кадрларининг сараланиши, идора ишлари, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, хуллас, ҳар томонлама тизимли тартиб-интизомни ташкил этишда энг ишончли киши бўлишини, ўз маслаҳатлари билан катта ёрдам беришини яхши билган.

1472 йилда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни амир (вазир) лавозимига тайинлайди ва унга “Амири кабир” унвонини тақдим этади. Бу амалда ҳукмдордан кейинги бошқарув лавозими бўлиб, ҳукмдор номидан ҳарбий ишлардан ташқари барча бошқарув ишларини амалга оширишни таъминлар эди. Мазкур лавозимда туриб Алишер Навоий Хуросон давлати тараққиёти учун жуда катта ишларни амалга оширди. Албатта, барча даврларда бошқарув тизимида фаолият кўрсатган турли сиёсий гуруҳлар мавжуд бўлган ва Навоий ҳукмдорга таклиф қилган, ўзи ташкил қилган ишларнинг ҳаммаси ҳам улар манфаатларига мос келмаган. Бундай гуруҳлар ичида Алишер Навоий муҳолифларига айланган амир Низомулмулк (молия вазири) ва парвоначи амалидаги Мажиддинлар ҳам бўлган. Кейинчалик улар Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасига низо солишга ҳаракат қилишган ва бунинг натижасида Бойқаро Навоийни мажбуран Астрободга ҳоким қилиб жўнатган эди.

Навоий давлат ишларини ниҳоятда ҳалоллик билан, фақат халқ ва давлат манфаатини кўзлаб, инсоф ва адолат асосида олиб боришга интилади. Бу ҳақда у «Вақфия»да ёзади: «Бу муқаддимотдин мақсад буқим, ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши-ёмоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен. Хайр ва шаръдин нўш ва ниш кўксумга етибдур ва лаим ва карим захм ва марҳамин кўнглум дарк этибдур... Бу навъ асҳоб ва аҳбобга интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин вуқуфлари ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлганки, муносиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб вожиб билғайлар ва бори эл била маҳфий розларин сўзлашғайлар ва шаётин ва инс макру фирибдин бозий емағайлар. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай»[25].

Навоийнинг юксак лавозимда туриб аввало аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш ва давлат сиёсатини шунга мувофиқлаштириш, сиёсатда имкони борича оғир жазо қораларини енгиллатиш, солиқларни камайтириш, аҳолини меҳнат билан банд этиш имкониятларини кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, бошқарув тизими ва халқ ўртасидаги тўсиқларни бартараф этишга интилган эди. Буни у “Вақфия” асарида шундай ифодалайди: “Илигимдин келганича зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин кўйдум. Ва илигимдин келмаганини ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) арзиға еткурдим”[26].

Алишер Навоий турли ижтимоий табақа вакиллари, манфаат гуруҳлари ўртасида рўй берган низоларни бартараф этишда адолат мезонида туради ва мамлакатда кўпчиликнинг Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятини эътироф этишлари, бошқарув тизимида эса унга бажону дил хизмат қилишларига эришади. Бу жиҳатдан Навоий ҳокимият аввало унга ишончдан ташкил топиши ва куч олишини исботлайди.

Алишер Навоий мамлакатда, хусусан, Ҳиротда бир қатор улуғвор бунёдқорилик ишларини ҳам олиб борган. “Фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун” ҳаракат қилиб, “мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”[27]. Бобур тўғри таъкидлагани

каби, Навоий бутун Хуросон ва унинг шаҳарлари бўйлаб қурилиш ишлари олиб борган. Хондамир берган маълумотларга кўра, биргина работ (карвонсарой)ларнинг ўзидан у 55 га яқинини курдирган эди[28]. Бир қатор олимларнинг ҳисобларига кўра, “Навоий ихтиёридаги маблағлар ҳисобига қурилган биноларнинг сони баъзи манбаларда уч юздан ортиқ деб, баъзи манбаларда тўрт юзга яқин деб кўрсатилади. Чунки бу ишлар билан Навоий умрининг охиригача шуғулланди”. Алишер Навоий гарчи Самарқандда яшаган вақтида, кези келганда, ўз жузвдонини гаровга қўйиб, пул сўрамоқчи бўлган бўлса-да, Ҳиротга қайтгач, у ўз ота мероси — катта ер-сувга эга бўлган эди. Шунингдек, аввал муҳрдор, кейин вазирлик лавозимига кўтарилган Алишер Навоийга, ўша давр одатига кўра, подшоҳ томонидан катта ер-сув, ҳатто бутун-бутун қишлоқ ва туманлар суюрғол тарзида инъом этилган эди. Амир булардан олган даромадининг деярли ҳаммасини мамлакат ободончилигига сарфлар, фуқаролар учун ризқ-рўз берар, ортганини давлат хазинасига топширар эди. Шунинг учун ҳам кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобир Алишер Навоий «Мирзодин (Ҳусайн Бойқаро назарда тутилади) нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди», деб ёзади.

Навоий ўз даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратгани маълум. Унинг кўмагида кўплаб сувсиз ерлар ўзлаштирилади, кўп замонлар қаровсиз қолган ариқлар, каналлар қайтадан қаздирилади, янгилари барпо этилади. Замондошлари хотираларига кўра, буюк Темур тўра ва тузукларига кўра ўзлаштирилган ерлар аввал ўз эгасига, яъни Навоийга берилар, Навоий эса кўпинча бу ерларни қисмларга бўлиб, улар билан ишлай оладиган одамларга инъом қиларди. Натижада экин майдонлари кенгаяр, ҳудудларни сув билан таъминлаш ҳам яхшиланарди. Хондамирнинг ёзишича, Навоий ўз маблағлари ҳисобидан яна 30 га яқин масжид ва масжиди жомеълар, 20 га яқин ҳовузлар, 9 ҳаммом, 16 кўприк ва 2 тўғон барпо қилдирган.

Яна Хондамирнинг хабарларига кўра, Навоий барпо эттирган “Ихлосия” (адабиёт ва дин), “Халосия” (тиббийёт), “Шифоия” (тиббийёт), “Низомия” (ҳадис ва фикҳшунослик), “Хусравия” (ҳисоб илми) мадрасалари ниҳоятда гўзал қилиб қурилган ва замонасининг машҳур мударрислари билан таъминланган бўлиб, биргина “Ихлосия” ва “Халосия” мадрасаларида бир неча йил ичида хорижликларнинг ўзидан бир неча минг талаба таълим олиб, тамомлаб кетган.

Шу каби, олимлар олиб борган изланишлар, тадқиқотлар Навоий жамоат аҳамиятига эга бўлган бино ва иншоотларни қайта тиклаш, янгидан қуриш, боғроғлар барпо этиш ишларига жуда кўп эътибор қаратганидан далолат беради. Хондамирнинг «Хулосатул-ахбор» асари юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимларнинг аниқлашича, Навоий мадраса ва хонақоҳда истиқомат қилувчи кишиларни озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан ҳам таъминлагани, масалан, «Халосия» хонақоҳига ҳар йили 2000 га яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақя ва ковуш берилгани, мадраса, масжид ва хонақоҳларга қатъий ўзи ўзлаштирган ерлар ҳисобидан вақфлар белгилангани ва бу ишлар унинг назоратида интизом билан амалга оширилгани ҳақида хабарлар ёзиб қолдирган. Олим У.Санақулов берган маълумотларга кўра эса, Навоий “Астробод шаҳридаги Мир саройи, жоме масжиди, Марв шаҳридаги “Хисравия” мадрасасини барпо этади. Навоий ташаббуси билан Ҳирот, Машҳад, Марв ва бошқа шаҳар-қишлоқлардаги Гавҳаршод масжиди, Қобус минораси, Арслон-жозиба работи каби 12 та йирик иморату иншоотлар таъмирланган. Навоий раҳнамолигида Ҳиротда “Доруш-шифо” шифохонаси ҳам очилади. XV асрда Ҳирот “Доруш-шифо”си, айниқса, қаҳқоллари (кўз касалликлари табиблари) ниҳоятда шуҳрат қозонган. Ҳатто Хўжа Аҳрорнинг Навоийга ёзган мактуби билан Мавлоно Фазлуллоҳ даволаниш учун Самарқанддан Ҳиротга келган эди. Хўжа Аҳрор касал бўлганида эса Навоийнинг фармонига асосан «Доруш-шифо» шифохонаси табиби Низомиддин Абдулҳай Самарқандга юборилади”.

Хуллас, Алишер Навоийнинг давлат лавозимларида ишлаб давлат ва жамият бошқаруви ишларини тизим ва тартибга солиш борасида амалга оширган ишлари, ўз маблағлари ҳисобидан давлат ва жамиятга кўрсатган хизматлари, юксак бадиият билан яратилган ва илм-маърифатга тўла асарлари ўз даври ва кейинги даврлар халқлари учун ҳам бебаҳо хазина бўлиб қолди. Марказий Осиё маданияти тарихида XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот чуқур из қолдирди. Ҳиротнинг бундай мавқе касб этишида эса, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, маиший ҳаёт, ободончилик, маърифат, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг юқори даражага кўтарилишини таъминлаган Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс эди. У ўз замонасининг кўплаб турдаги илмий ва ижодий салоҳиятига етакчилик қилди, уларни самарали бошқарди, меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини кўллаб-қувватлади, ҳомийлик кўрсатди, мамлакатнинг маданий ва маърифий юксалиши, мақсад ва манфаатлари тараққиётига барча имкониятларини йўналтирди. Шунга кўра Бобур: “Алишердек қалин нималар ихтиро қилуб эди ва яхши нималар ихтиро қилуб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун “Алишерий” дер эди”, деб ёзган эди[29].

Алишер Навоий ҳам давлат арбоби, ҳам давлат ва жамият олдида улуғ эътиборли шахс, ҳам ўта диёнатли мулкдор сифатида ўз даврида унга юзланган ҳар бир инсонга ёрдам кўлини узатди. Алишер Навоий умрининг охирига қадар фақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хўжалик масалалари билангина шуғулланиб қолмай, халқаро муносабатлар, дипломатик алоқалар, халқаро савдо-сотиқ, давлатлараро ҳарбий муносабатлар кабиларда тинчлик, фаровонлик ва манфаатли алоқаларнинг ривожланишида ҳам ибратли ишларни амалга оширдик, оқибатда унинг эътибори фақат Хуросонда эмас, Яқин шарқ, Кавказ, Мовароуннаҳр ва бошқа ҳудудлар мамлакатларида ҳам юксалиб борди.

Шунга қарамай Навоий ҳаётининг кейинги ўн беш йилларини анча ташвишлар ичида кечиради. Бу давр унинг ижоди учун самарали даврлардан бири бўлган эса-да, ижтимоий-сиёсий ҳаётда унинг эътиборига ҳасад қилувчилар мавжуд бўлган[30].

Сарой хизмати жараёнларидан чарчаган Навоий гарчи “султоннинг энг яқини”, маслаҳатчиси унвонида қолса-да, саройдан кетиб, ижодга берилган вақтларда саройда тинимсиз ташкил этилган тадбирлар натижасида Ҳусайн Бойқаро ишратга берилиб кетади, девон назорати издан чиқади, бошқарув тизимида фисқу фасод, иғвою душманчилик авж олади, маишат ва зиёфатларнинг кўпайиши, мастлик таъсирида қилинган эҳсон мукофотларнинг ошиб бориши натижасида давлат хазинаси барбод бўлади. Аммо катта-катта харажатларга ўрганиб қолган Султон Ҳусайн кунларнинг бирида хазинадан пул сўраганда унга хазина бўшаб қолганлигини айтадилар. Ўша жойда Бобур айтганидек: “Маждиддин Муҳаммад ҳозир экандур, табассум қилур. Мирзо жиҳат сўрса, хилват қилиб, кўнглидагини арз қилиб дерким, Мирзо шарт қилсаларким, менинг илигимни қавий қилиб, сўзумдин тажовуз қилмасалар, оз фурсатта андоқ қилайким, вилоят маъмур ва раият шоқир ва хизона мавфур ва сипоҳи вофир бўлгай. Мирзо ҳам анинг дилхоҳи аҳд ва шарт қилиб, тамом Хуросон мамоликида ани “ихтиёр” (ҳукмдор номидан иш юритувчи – Ф.Р.) қилиб, жамиъ муҳиммотни анинг уҳдасиға қилди”[31]. Соҳиб ихтиёр даражасига етган Маждиддин Навоий ва унинг тарафдорлари бўлган беклар билан зид муносабатларга киришади. Лекин, В.Бартольд Ҳусайн Бойқаро Маждиддин сабабли Навоийни Астрободга сургун қилди, деб нотўғри ёзган. Бизнингча, Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни Астрободга (Мозандарон вилоятига — Хондамир) ҳоким қилиб юборишдан мақсади чегара ҳудудлари бўлган Мозандарон билан Журжон, Ироқ ва Озарбайжон ҳудудларида вужудга келаётган тартибсизликларни унинг дипломатик қобилияти воситасида бартараф қилишдан иборат бўлган.

Астробод (Мозандарон вилояти) мана шундай давлатлар билан чегарадош Бойқаро давлатини ҳатто Кавказ ва Ғарбий Европа билан боғловчи савдо-сотиқ муносабатлари кенг йўлга қўйилган, ипакчилик ривожланган ва катта даромад

келтирувчи худудлардан бири бўлган. А.Семёнов бу ҳақда “Бу вилоят Ҳусайн Бойқаро хазинасига йилига 70 туман кепакӣ (350 минг дирҳам) закот, 250 минг дирҳам хирож даромад келтирарди”, деб ёзади.

Хондамирнинг хабар беришича, Астробод халқи Алишер Навоийнинг бошқарувидан ҳамиша рози бўлганлар. Алишер Навоийдек халқпарвар, маданиятпарвар, олиму одил ҳокимнинг Астрободга келишини эшитиб, Султон Ҳусайнга бўйсунмай, кўпинча саркашлик қилиб турадиган Мозандарон ва Журжон вилоятлари амирлари ўз ихтиёрлари билан тобе бўлганларини билдирадилар. Туркман султони Ёқуббек қимматбаҳо совғалар билан шоирни табриклайди, Озарбайжон ва Ироқ ҳукумат бошлиқлари ҳам Навоий туфайли дўстона муносабат тиклайдилар[32].

Хондамир таъкидлаганидек, Астробод Навоийнинг «адолат маснадида ўтириб»⁶⁴ иш тутгани туфайли обод ва маъмур шаҳарлардан бирига айланади.

Навоий Астрободда икки йилга яқин фаолият олиб боради ва 1488 йилда ўз ўрнига Амир Бадриддинни қолдириб, Ҳиротга қайтади. Кейинги ҳаёти давомида Навоийнинг ҳеч қандай давлат ишига аралашмай, саройдан узоқда туришга ҳаракат қилган. Шунга қарамай Ҳусайн Бойқаро унга «муқарраби ҳазрати султониӣ», яъни «ҳазрати султоннинг энг яқини» деган унвон берган бўлиб, бу фахрий унвон мантиқан ҳукмдорнинг бош давлат маслаҳатчиси мақомига эга бўлган ва бошқарув тизимидан унга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тақозо этган. 1490 йиллар давомида мамлакат худудларида бир қатор кўзғолонлар кўтарилган эди. Балхда ҳокимлик қилаётган, Навоийнинг туғишган укаси Дарвеш Али кўзғолони (1489 йил), Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуд босқини (1490 йил), кўп йиллик Бадиуззамон Мирзо низолари (1490-1500 йиллар) шулар жумласидандир. Навоий мазкур низоларни бартараф этишда ҳамиша Ҳусайн Бойқарога сафардош бўлди. Лекин айна шу даврларда Навоий ўзининг ижод ишларига кўпроқ эътибор қаратган. Бир қатор олимларнинг тадқиқотларига кўра “агар Алишер Навоийнинг мавжуд асарларини яратилган даврига кўра классификация қилиб чиқилса, унинг аксарият қисми сўнгги ўн-ўн беш йил ичида яратилган баракали ижод натижалари эканлиги аниқланади”.

Хондамир қайдларига кўра, 1490 йилларнинг иккинчи ярмида Навоийнинг соғлиғи ҳам ёмонлашиб боради. Шунга қарамай, у ижодий ишларини ҳам, ижтимоий-сиёсий фаолиятни ҳам давом эттирган. Унинг шу даврларда яратган “Маҳбулбул-кулуб”, “Вақфия” асарлари мураккаб ва машаққатли умри давомида қилган ишлари ва тўплаган бой ҳаётӣ тажрибалари қайдномаси дейиш мумкин. Уларда Навоий даврининг ҳам бошқарув ҳам ижтимоий ҳаётига оид кўплаб қарашларини акс эттиради: “Ифлос ва нотавонлиғ ҳангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илм мадорисида сафи ниолда ер туттум, гоҳ уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум. Гоҳ атқӣ масожидида алар қадами етган ерга юз кўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини сўйдум. Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳли ибрикиға сув қуймоқ била аржуманд бўлдум ва гоҳ фано дайри хайли сабукашлигидин сарбаланд бўлдум. Ва гоҳ лаимлар олида хорлиғ ва гоҳ арзоллар олида безътиборлиғ кўрдум. Ва гоҳ ишқ кўйида бебоклик ва одамӣкуш паричеҳраларға ҳалоклик даст берди. Ва гоҳ жунун маҳалласида арзол бўйнуғға силлий урдилар ва атфол бошимға тош ёғдурдилар ва гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатка туштум ва ғариб халойиққа кўшулдум ва қовуштум. Ва жибол куллasi оромгоҳим бўлди ва гоҳ сахро этоги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум. Гоҳ бу шиддатлардин азми ватан қилдим. Ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топтим. Аммо шуғл ва комронлик чоғида ва кўнгул мулки халқ ҳужуми булғоғида ва гоҳ аморат маснадида ўлтурдум ва ҳукм ва ҳукумат маҳкамасида додхоҳ сўрдум ва гоҳ подшоҳ наёбатида тараққуб туздум ва наззорагар элга ўзумни комрон кўргуздум. Ва гоҳ макрумат айвонини макон қилдим ва акобир ва ашрофни таъзим юзидин меҳмон қилдим. Ва гоҳ нишот боғида базм тарҳи солдим ва соқӣ ва мутриб базму симоидин баҳра олдим. Ва гоҳ салотни муҳолафатларида ароға

кирдим ва мунозаатларин мувофақатга қарор бердим. Гоҳ ҳарб маъракасига ўзумни солдим, ва жаҳл ва нодонлиқ тухматин бўйнулга олдим. Ва гоҳ хайрот аҳлига ўзумни қотгим ва ҳар навъ хайр букъалари тузаттим, андоқки, саъйимдин работлар бўлди ва андин мусофирларга нишотлар бўлди”[33].

1500 йилнинг ёзида Ҳусайн Бойқаро Мозандаронга, ўғли Муҳаммад Ҳусайнга қарши қўшин тортади ва кетишдан олдин (1500 йил 2 июнь) Навоийнинг ҳаж сафарига йўл олишига ёзма ёрлик беради. Хондамирнинг маълумотларига кўра, Навоий шу йилнинг 26 августида Машҳад йўли орқали ҳажга жўнайди, лекин йўлда соғлиғи ёмонлашгани туфайли ортга қайтади. Қайтадан йўлга тушиш учун (1500 йил 3 сентябрь) тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда бир қатор обрўли кишилар — “машойихлар, олимлар ва иршод аҳлидин Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний, миллат ва диннинг қиличи бўлган шайхулислом Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазоний, Шайх Али, Мавлоно Муиниддин ал-Фароҳий, Мавлоно Камолиддин Ҳусайн ал-Кошифий, Мавлоно Камолиддин ат-Табодгоний ва Хожа Имоиддин Абдулазиз Абҳарий, саййидлар ва нақиблардан Амир Қавомиддин Ҳусайн Мозандароний, Амир Жамолиддин Атоуллоҳ Асилий, Амир Низомиддин Абдулқодир, Амир Шамсиддин Муҳаммад ибн Амир Юсуф Розий ҳамда Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги жойларнинг улуғлари ул ҳазратнинг ҳузурига келиб”, Навоийнинг шу ердалиги ҳукмдор сафарда юрган бир вақтда “Хуросон мамлақати вилоятларидаги тинчлик ҳамда аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб тургани”, агар у ҳажга йўл олиб, Хуросонни тарк этса “фитналар юз бериши, уларни бостириш эса имконият доирасидан ташқарида бўлиб қолиши мумкин”лигини айтадилар. Шундан сўнг Навоий ҳаж сафарини яна бир йилга ортга суришга мажбур бўлади.

Ҳусайн Бойқаронинг шу йилнинг декабрида ўғли билан сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтади. Аъёнлар қаторида уни кутиб олишга чиққанда буюк давлат арбоби, шоирнинг соғлиғи ёмонлашади ва 1501 йилнинг 3 январида ҳаётдан кўз юмади. Алишер Навоий вафотидан кейин Хуросон давлатида Бойқарозодалар ва уларнинг тарафдорлари бўлган турли сиёсий гуруҳлар ўртасида низолар авж олиб кетган. 1504 йили Шайбонийхонга қарши юрушга отланган Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан сўнг 1507 йил Шайбонийхон қисқа давр ичида бу шаҳзодаларни ер билан яқсон қилиб, Турон давлатининг сўнгги ҳудудига барҳам беради.

Биз бу ўринда Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, давлат бошқарувидаги иштироки, бошқарув жараёнларидаги ҳаракатлари ва мақсадлари ҳақида ғоятда қисқа бир тарзда фикр юритдик. Лекин Навоийнинг бу жараёнлардаги ҳар бир иштироки бошқарув масалалари нуқтаи назаридан жуда муҳим хусусиятларни ойдинлаштирадими, биз улар орқали шоирнинг давлат арбоби зиммасидаги талаблар, айтилиши вақтда бошқарув масалаларининг ўзига хос нозик томонларини баркамол инсонга хос ибратли фазилатлар билан қандай уйғунлаштира олганини ҳам гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда бошқарув масалалари билан шуғулланадиган барча фанларда бошқарув фаолияти билан боғлиқ айрим мезонларга катта аҳамият берилади ва улар бошқарувни ташкил этишнинг муҳим хусусиятлари сифатида тилга олинади. Шу каби, бу хусусиятлар бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарув лавозими талаблари ҳамда бундай лавозимга танланадиган шахслар олдига қўйиладиган мезонлар сифатида умумлаштирилади. Бу аслида замонавий фанлар киритган янгилик эмас, балки инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибалари асосида аниқлаштирилган мезонлар дейиш мумкин. Жумладан, Алишер Навоий замонларида ҳам бундай мезонлар мавжуд эди. Улар тизимлаштирилган бўлмаса-да, одамларнинг муайян лавозимларга танланиши ёки ишлаши жараёнида эътиборга олинган. Биз юқорида Алишер Навоийнинг бошқарув тизими билан боғлиқ ҳаёт йўлини кўздан кечирдик. Ундаги воқеъликларга эътибор қаратадиган бўлсак, бошқарувга оид юқорида айтилгани каби қатор хусусиятлар ёрқин намоён бўлишини кўраемиз.

Бошқарув лавозими, фаолияти ҳамда лавозимга олинадиган кишидан талаб этиладиган энг муҳим мезонлардан бири ташаббускорликдир. Ташаббускорлик мезони Жон Кеннеди, Томас Уотсон, Ралф Эмерсон, Илья Шевелев, Жин Ландрам, Жон Максвелл каби бир қатор тадқиқотчилар ва арбоблар томонидан характер сифатида баҳоланади. Бошқа яна бир қатор манбаларда у “қобилият” деб таърифланади[34]. Лекин бизга маълумки, қобилият инсонда аввалбошдан берилган, табиатан мавжуд хусусиятларни умумлаштира, характер ҳаёт ва меҳнат жараёнлари натижасида мустаҳкамланган одатлар асосида шаклланади. Айтиш керакки, Алишер Навоий сиймосида ташаббускорлик қобилияти ҳам, характери ҳам бирдек намоён бўлади. Юқорида келтирилган Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларда унинг ҳарбий жараёнлар, дипломатик муносабатлар, бошқарувни ташкил этиш, сиёсий тизимни тартибга солиш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, иншоотлар барпо этиш, ижтимоий ҳомийлик кўрсатиш, таълим соҳасини тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш ва бошқа кўплаб ишларда унинг кўплаб ташаббуслар эгаси бўлганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, Алишер Навоий ўзи бошлаган ташаббусни халқ ҳаракатига айлантира олиш салоҳиятига ҳам эга бўлган. Бу унинг таълим соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш ишларини амалга ошириш ташаббусларида яққол кўзга ташланади.

Аслида ҳеч бир мақсад режасиз амалга ошмайди. Инсон борки, муайян режалар доирасида ҳаёт кечирилади. Оддий инсоннинг режалари одатда бир ўзи, ёки оиласи мақсад ва манфаатлари билан чегараланади. Салоҳияти баландроқ инсонлар муайян инсоний гуруҳ мақсад ва манфаатлари доирасидаги режалар билан ҳаёт кечириши мумкин. Аммо юксак салоҳиятли инсонларнинг режалари албатта давлат, жамият мақсад ва манфаатлари билан уйғунликда шаклланади. Алишер Навоийда бошқарувнинг муҳим навбатдаги хусусияти бўлган мана шу мезон ҳам кучли ривожланган бўлган. Режалаштириш инсоннинг тафаккур даражасини ҳам акс эттириб, муайян мақсад, вазифа ёки амалга оширилаётган ишнинг муҳимлиги, унинг устида олиб борилган ҳаракатнинг бир неча босқичдан кейинги ҳолатини яхши тасаввур қила олиш (худди шахматдаги каби), қўл остидаги ходимларни шу ишни бажаришга ихтиёрий (аслида мажбурий) йўналтириш, бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда режалаштирилган ишларнинг ҳаммасидан яхши натижалар олиш учун уни тўғри тақсимлашга қаратилган фаолият элементлари мажмуасидир.

Хондамир ва Зайниддин Восифийларнинг қайд этишича, Алишер Навоий бутун умри давомида Хусайн Бойқаро давлати бошқарув тизимининг тартибли фаолияти учун жон куйдирган шахслардан бири бўлган. Режалаштиришда буюк салоҳият эгаси бўлган Амир бошқарув тизимида бир-бирига дўстона кайфиятда бўлмаган жуда кўплаб кишилар, гуруҳларнинг баҳамжихат фаолият юритишлари учун восита ролини бажарган. Бундан ташқари, унинг Хуросон давлати обрў-эътиборини дунёга ёйиш учун қилган кўплаб ишлари борки, бу ишлар тартибли, тизимли амалга оширилиши натижасида мамлакат фаровонлик даражаси юксалиб борган. Навоийдан кейин эса худди мана шу тизимнинг режали фаолиятига путур етганлиги сабабли давлат ҳам таназзулга юз тутган эди.

Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳозирги бошқарув фанларида кенг эътибор қаратиладиган жамиятдаги турли қатлам ва сиёсий доираларни, улар томонидан “амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқаларини тартибга солиш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, бошқарув тизими ва жамиятнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш”[35] каби масалаларда ҳам унинг катта хизмати борлигини исботловчи далилларга жуда бой. Алишер Навоий замонида жамият мақсад ва манфаатларини давлат, давлат мақсад ва манфаатларни ҳукмдор, ҳукмдор мақсад ва манфаатларини сиёсий тизим, сиёсий тизим мақсад ва манфаатларини эса бошқарувчи амалдорлар мақсад ва манфаатларига мувофиқлаштириш жуда мураккаб бўлганини ўша замонларда юз берган кўпдан-кўп низолар бевосита кўрсатиб туради. Ҳукмдор томонидан топширилган вазифа ёки амалга оширилаётган ишларни юқоридаги каби турли-туман мақсад ва манфаат эгалари имкониятлари асосида амалга оширишнинг тизимли, барқарор ва ривожланувчан бошқарувини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг бир неча хил йўллари охир-оқибатда

бир хил натижа беришини аниқ тасаввур қила олиш Навоийдан Амири кабир сифатида жуда катта масъулиятни талаб қилар эди. Навоий ҳаётига алоқадор бир қатор ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, ташкилий, маданий, маърифий ва ижодий жараёнлар билан боғлиқ воқеалар унинг ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида ҳам катта салоҳиятга эга бўлганини исботлайди.

Машҳур бошқарув фанлари назариячиси Анри Файолнинг маъмурий бошқарувга оид кенг шуҳрат қозонган 14 тамойили аслида Алишер Навоий фаолиятида тўла ўз аксини топган.

Навоий фаолиятига Файол тамойилларидан бири — меҳнат тақсимоли тамойили бўйича қараганда, унинг бу масалада юксак бошқарув маҳорати бўлганлиги кўзга ташланади. Тарихий манбалар Навоий жуда кўп одамларни иш билан таъминлагани, уларнинг баъзиларини ўз касблари борасида ўлмас шуҳрат қозонишига сабаб бўлгани, ўзи ҳам давлат ва сиёсат, ҳам жамият ташвишлари, ҳам ижод борасида бирдек катта натижаларга эришганини таъкидлайди. Кўзланган мақсадларда паралел шарт-шароитларда бир хилда сарфланадиган куч-ғайрат ёрдамида каттароқ ҳажмдаги натижаларга эришиш мазкур тамойилнинг асосий мазмуни эканлигини эътиборга олсак, Навоий бу борада бошқарув фаолиятига ҳақиқий намуна бўла олади.

Файол муҳим ҳисоблаган интизом тамойили борасида ҳам Навоий ўз даври бошқарув тизимига ўрнак бўла олган ва шу жиҳатдан сиёсий тизимда катта обрўга эга бўлган. Навоий Бойқаро давлати ҳокимиятида “Муҳрдор”, “Амири кабир” лавозимлари, “Муқарраби ҳазрати султон” даражаларига эга бўлса-да, ҳукмдор талабларига сўзсиз риоя қилган. Ҳатто шахсий ишларида ҳам ҳукмдор томонидан берилган кўрсатмаларни интизом билан бажаргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, ҳукмдор талаб қилганда у Ҳиротни ташлаб Астрободга йўл олади, ҳукмдор сўрови билан ҳаж сафарини қолдиради, ҳукмдор, маслаҳати билан “Ҳазойин ул-маоний” девонини тузади. Навоийнинг ҳукмдор талабларига интизом билан риоя қилиш, жамиятни ҳам шу интизомга чорлашига доир кўп маълумотлар унинг ўзи ва замондошлари асарларида сақланиб қолган. Ташкилот маъмурияти билан ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи муҳим тамойиллардан бири. Ушбу тамойилга кўра жазо чораларини қўллаш мумкин.

Файолнинг бошқарув назариясидаги шахсий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсундириш тамойилида ҳам Алишер Навоий барча замонлар учун, барча бошқарув ходимлари, мулкдорлар, ижодкорлар ва фуқаролар учун ибрат бўларли мерос қолдирган. Биз юқорида булар борасида бир оз тўхталдик. Тарихий манбаларда эса Навоий масалан, катта мулкларга эга бўлса-да уларни давлат ва жамият манфаатлари учун сарф этганлиги, бошқаларни ҳам шунга ундаганига кўплаб далиллар келтирилади. Шунингдек, Файолнинг ходимларни рағбатлантириш, одамларнинг ишончини қозониш ва қўллаб-қувватлашига эришиш, уларга адолатли равишда маош бериш масалаларида Навоий ҳақида жуда кўп эътирофлар ёзиб қолдирилган. Биргина Хондамир асарларида бу ҳақда қатор ҳикоялар мавжуд бўлиб, улар Навоийнинг буюк саҳоватидан дарак беради.

Марказлаштириш Файол назариясига кўра бошқарувнинг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Бошқарувнинг бу тамойили Навоийнинг давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳудуд яхлитлигини асраш борасида қилган ишларида яққол ўз ифодасини топади. Навоий Хуросон давлатининг парчаланиб кетишига олиб борувчи қатор низоларни бартараф этишда фаол иштирок этди. Сиёсий тизимдаги гуруҳларни муросага келтиришда жонбозлик кўрсатди. Давлат ижтимоий-иқтисодий имкониятларининг жадал ривожланишини таъминлашда яқиндан маслаҳатчи бўлди.

Файолнинг адолатли бўлиш тамойили Навоий фаолиятида қандай кечганлиги ҳақида бизнингча изоҳга ҳожат йўқ. У нафақат ҳаётда, балки асарларида ҳам адолатни қуйлаб ўтди. Адолат масаласи унинг асарларида шу қадар кўп эътибор қаратиладигани, шунга кўра ҳам Навоий ўз даври халқи орасида кўпроқ давлат арбоби сифатида тилга олинади. Албатта бу унинг ижодий салоҳияти, эътиборига соя солмаган, лекин қисқа бир тарзда бўлса-да хотирлаб ўтган ҳар бир тарихчи уни “Мир”, “Амир”, “ҳазрати адолатпаноҳ” номлари билан тилга оладилар.

Бошқарувнинг замонавий назарияларида ҳар бир бошқарув фаолияти меҳнат жараёнларида тарбиявий аҳамият касб этиб бориши ва натижада тарбия усуллари юзага келиши эътироф этилади. Бошқарув тарбия услублари бошқарув тизими ёки жамоатчиликка уларнинг шахсий, ижтимоий ва руҳий эҳтиёжларига мувофиқлик воситасида таъсир кўрсатади. Навоийнинг бошқарув фаолиятидаги тарбиявий услублари ниҳоятда ранг-баранг кўринишда намоён бўлади. Унинг ҳаётидаги лавҳаларнинг баъзиларида бу шахсий фазилатлар, баъзиларида интизом талаблари, баъзиларида мажбуриятлар, бошқа бир ҳолатларда бурч, маданият, меҳнатсеварлик ва ҳоказо шаклларда намоён бўладики, Ҳирот халқи шунинг учун ҳам уни беҳад яхши кўрар эди. Унинг тарбиявий услубларидан бири бўлган биргина кўллаб-қувватлаш тамойилининг ўзигаёқ ҳисобсиз кўринишларда дуч келиш мумкин. Бобур Навоийнинг Навоийнинг мазкур фазилатларини назарда тутиб, шундай ёзган эди: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муваққий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”.

Меҳнат асносида тарбиялаб бориш мақсади барча халқларнинг қадимий тарихи билан боғлиқ. Бу жараёндан бошқарув фаолияти ҳам мустасно эмас. Шу нуқтаи назардан олима Д.Раҳимованинг одамларни ҳаракатга ундаш – мотивациялаш тўғрисидаги фикри ўринли таъкидланган: “Мотив — мақсад муносабати инсон фаолияти ўзгидир. Умумий маънода, мотив — одамни фаолиятга ундайдиган, мақсад — мазкур фаолият натижасида эришишга интиладиган босқичдир. Шундай қилиб, мотив инсон хулқининг ички ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Инсоннинг ишга муносабати, унинг ҳаётдаги муваффақиятларининг умумий даражаси мотивация даражасига боғлиқ. Раҳбарнинг энг муҳим хислати — одамлар фаолияти мотивларини таҳлил қила билиш, ҳар бир кишининг келажагини олдиндан кўриш, мутахассисни муайян ишни бажаришга қизиқтириш, унинг табиий мойилликларини ҳисобга олишдир. Шунини таъкидлаш лозимки, тарбиявий усулларни амалга оширишга сарфланадиган саъй-ҳаракатларнинг иқтисодий самараси маъмурий ва иқтисодий усулларни амалга ошириш унумидан бир неча марта ортиқ бўлади. Навоий ҳаёти ва фаолияти давомида турли-туман тоифаларга мансуб жуда кўп одамларга ибрат бўлди, уларга умид берди ва эзгу мақсадларга ундади. Бобур ўз асарида унинг ана шундай ижтимоий-тарбиявий фаолиятларидан бири ҳақида қисқагина, лекин ажойиб бир хабар ёзиб қолдирган: “Алишербекки қалин нималар ихтиро қилиб эди ва яхши нималар ихтиро қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривожи ва равнақи учун “Алишерий” дер эди”[36].

Бошқарув масаласида амалдор учун энг мураккаб масалалардан бири қарор қабул қилиш бўлиб, замонавий бошқарув тадқиқотларида у ҳатто фан даражасига кўтарилиб улгурган. Қарор қабул қилиш бошқарувда амалга ошириладиган иш ҳолатининг раҳбар ёки бошқарув гуруҳи томонидан белгилаб берилиши билан боғлиқ фаолият туридир. Ушбу ҳолат бошқарув тизими фаолиятининг мазмунини, самарали ёки самарасизлигини белгилаб беради. Қарорнинг энг кенг тарқалган ва тарихий асосга эга бўлган турлари раҳбар бўйсунувчи раҳбар буйруғи ёки таъсири остида, жамоа фаоллари кенгаши мулоҳазаларига кўра, тузилма куйи раҳбар кадрлари билан кенгаш воситасида ёки раҳбарнинг ўз хулосасига кўра қабул қилиниши каби шакллари қамраб олади. Шунингдек, бу масала ўрганилган тадқиқотларда фаолиятни режалаштириш давомида қабул қилинадиган қарорларнинг бир қанча турлари фаркланади[37]. Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Алишер Навоий мана шундай қарорларни мазмунан таҳлил этиб, уни бажарувчи тизимларга йўллаш ёки эълон қилиш, айни вақтда, уни ҳукумат қарори сифатида тасдиқлаш билан боғлиқ муҳрдорлик лавозимида фаолият юритгани маълум. Ҳукмдор фармонлари ҳамиша ҳам эзгуликка қаратилган бўлавермаган. Ўша вақтлардаги жазолаш шакллари ичида қатл этиш, мол-мулкни мусодара этиш, бутун оила аъзолари билан жазога тортиш ҳолатлари, айниқса, бошқарув тизими вакиллари ва бадавлат табақа вакилларига нисбатан бундай жазо чораларини кўриш ҳукмдорнинг одатдаги ва Навоий муҳр босиши зарур фармонлари қаторида бўлганлигини инобатга олсак, Навоий икки йилда бу лавозимдан истефо берганлигининг мазмуни ҳам ойдинлашади. Айтиш керакки, Навоий гарчи Бойқаронинг дўсти бўлган, “мизожи нозук била машхур”[38] бўлганда ҳам амалдор сифатида унга ниҳоятда интизом билан итоат этган.

Шунингдек, Хондамир ўз хотираларида Навоийнинг ташкиллаштириш, ижро этиш ва назорат қилиш каби бошқарув ишлари борасида ҳам ўта салоҳиятли инсон бўлганлигини қайд этиб қолдирган. Масалан, асардаги 1498-1500 йиллар оралиғида Ҳирот жомеъ масжидини таъмирлашни ташкил этиш, бу ишни ижро этиш ва усталар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, хусусан, наққошлар устози Мирак Наққош (Саййид Рухуллох)нинг сусткашлигига қарши кўрган чора-тадбирлари ҳикоясини[39] Навоийнинг бошқарув соҳасидаги мазкур хусусиятларини намоён этувчи манбалардан бири дейиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР.

Таъкидлаш керакки, Навоий сиёсий жараёнлар, ҳарбий муносабатлар, бошқарув тизими, сиёсий гуруҳлар, табақалар ва уларнинг ўрталаридаги муносабатлар, бошқарув қарорлари, ижтимоий аҳвол, иқтисодий муносабатлар, дипломатик алоқалар каби давлат ва жамият бошқаруви билан алоқадор соҳалар, масалаларни ўз даврининг мутафаккир олими ва давлат арбоби сифатида кучли баҳолай олаган. Тарихчи Хондамир Ҳусайн Бойқаронинг бир қатор ҳарбий юришлари ҳамда мамлакат вилоятларига уюштирган айрим сафарларида Навоий унга ҳамроҳ бўлганлиги ва мақсадга алоқадор бўлган, ҳукмдор, давлат ва жамият манфаатларига мувофиқ келувчи ўринли таклифлари билан мавжуд қийинчиликларни енгишга яхши ёрдам берганлиги ҳақида ўз эсдаликларида маълумотлар келтиради. Зайниддин Восифий эсдаликларида эса Навоийнинг ижодкорлар, жамият, бошқарув тизими намоёндалари билан муносабатларда вазиятларни ўтқир англаш ва кучли таҳлил қила олиш қобилияти тавсифланади. Бундан ташқари, ўз қаламига мансуб “Вақфия” асарида келтирилган мактубларда ҳам Навоийнинг турли муносабат билан ёзилган ва ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий масалаларни таҳлил этиш ва баҳолаш мазмунидаги кўплаб фикрлари мавжуд. Буларнинг барчаси Навоийнинг бошқарувни баҳолаш масаласида ҳам нозик ва кучли салоҳиятга эга бўлганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий манбалар орқали бизга қадар етиб келган Алишер Навоий ҳақидаги лавҳалар унинг нафақат буюк шоир, балки забардаст давлат арбоби, кўчли салоҳият, ғайрат-шижоат эгаси, катта таъсир кучига эга доно раҳбар, донишманд етакчи ҳам бўлганлигини кўрсатади. Хуросон давлатининг ўз давридаги юксалишида шаксиз, унинг катта ҳиссаси бўлган ва бу ҳисса шунчаки топшириқларни бажариш билан эмас, балки ташаббус кўрсатиш, ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш асосида қўшилган. Шу жиҳатларга кўра, Алишер Навоий буюк давлат арбоблари қаторидан ҳам жой олади.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар (History of Uzbek statehood. From the earliest times to the Russian invasion). – Т.: Шарқ, 2000.; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдаен ва мажмаи баҳрайн. –Т.: Ўзбекистон, 2008.; Ўзбекистон ССР тарихи, 1-том, Тошкент, «Фан», 1970. –Б.472-519.; Саидқосимов С., Аҳмедов А., Аҳмедов Б. Амир Темур жаҳон тарихида (Amir Temur in world history). –Т.: Шарқ, 2001.; Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши (The development of national statehood during the reign of Amir Temur and the Temurids). –Т.: Фан, 2005.

[2] Молчанов А.А. К характеристике налоговой системы в Герате эпохи Алишера Навои (On the characterization of the tax system in Herat of the era of Alisher Navoi), Сб. «Родоначальник узбекской литературы», Ташкент, 1940, –С. 153-159; А. Ю. Якубовский. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои (Features of social and cultural life of the Alisher Navoi era), Сб. «Алишер Навои», М. –Л., 1946, –С.5-30.; Я. Фулом. Ўша асар, –С.19-20.; Ўзбекистон ССР тарихи, 1-том, –Б.472-519.

[3] Ҳайитметов А. Навоий даҳоси (Navoi genius). –Т.: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1970. –Б. 136.; Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. –Т.: Фан, 1997.

- [4] Гиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Makorim ul-akhlaq). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015.
- [5] Ўзбек адабиёти тарихи (History of Uzbek literature). II том (XV асрнинг иккинчи ярми). –Т.: Фан, 1977.
- [6] Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами (A perfect collection of works). 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. –Т.: Фан, 1997.
- [7] Зайниддин Восифий. Бадоеул вақое (Badoe'ul vaqoe'). –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1979. –216 б.
- [8] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б. 244.; Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами (A perfect collection of works). 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. –Т.: Фан, 1997. –Б.280.; Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963.
- [9] Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана (History of art of Uzbekistan). –М.: Искусство, 1965.; Семёнов А.А. Гератское искусство в эпоху Алишера Навои (Geratskoe art in the epoch of Alishera Navoi), «Родоначальник узбекской литературы». –Т.: Фан, 1940.; Норкулов Н. Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар (Plates from the history of miniature). –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1970. –Б.70-89.
- [10] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б. 244.
- [11] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан (From the history of Central Asian calligraphy). –Т.: Фан, 1970.; Семёнов А.А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои. //Сборник «Алишер Навои». М. –Л., 1946.; Образцы каллиграфии Ирака и Средней Азии XV—XIX вв. –М.: Восточной литература», 1963.
- [12] Husayn Boyqaro. Risola. Suyima G'aniyeva. Husayn Boyqaro haqida. <http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/husayn-boyqaro-risola.html>.
- [13] Ўша манба (That source).
- [14] Ўша манба (That source).
- [15] В.Бартольд. Мир-Али-Шир и политическая жизнь (Mir Ali Shir and political life), сб. «Мир-Али-Шир», Л., Изд-во АН СССР, 1928.; Е.Э.Бертельс. Навои, Избранные труды, «Навои и Джами», М., «Наука», 1965.; О.Шарафуддинов. Алишер Навоий. –Т., 1939.; С.Айний. Алишер Навоий, Асарлар, 8-том, Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1968.; Ойбек. Навоийнинг таржимаи ҳоли. // «Навоий гулшани» тўплами. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1957.; В.Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Т.: Ўзбекистон, 1970.; В.Абдуллаев. Навоий Самарқандда. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1968.; И.Султонов. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1969.; М. Никитский. Эмирь Низам-Эд-динъ Али-Ширъ в государственномъ и литературномъ его значении. Санкт-Петербург, 1856; С.Нарзуллаева. Алишер Навоий. –Т.: Фан, 1966.; С.Ғаниева. Алишер Навоий. –Т.: Фан, 1968.
- [16] В.В. Бартольд. Мир-Али-Шир и политическая жизнь (Mir Ali Shir and political life). Сб. «Мир-Али-Шир», Л., 1928, –С.100.
- [17] А.К.Боровков. Алишер Навои. Советское востоковедение (Soviet oriental studies). –М-Л.: Изд. АН СССР, 1940. №-1.
- [18] Ўзбек адабиёти тарихи (History of Uzbek literature). II том (XV асрнинг иккинчи ярми). –Т.: Фан, 1977.
- [19] Ўша манба (That source).
- [20] Гиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Makorim ul-akhlaq). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015. –Б. 92-93
- [21] Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар (New information about Navoi). // Шарқ юлдузи журнали, 1972. 9-сон, -Б.184.
- [22] Гиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Makorim ul-akhlaq). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015.-Б. 107.
- [23] Абдуллаев В. Навоий Самарқандда (Navoi in Samarkand). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1968.

- [24] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Makorim ul-akhlaq). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015. –Б. 105-106.
- [25] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами (A perfect collection of works). 14-жилд. Вақфия. –Т.: Фан, 1997.
- [26] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами (A perfect collection of works). 14-жилд. Вақфия. –Т.: Фан, 1997.
- [27] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960.
- [28] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Makorim ul-akhlaq). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015. –Б. 67.
- [29] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б.242.
- [30] Семёнов А.А.Взаимоотношения Алишера Навои и султана Хусейн-Мирзы (Relations between Alisher Navoi and Sultan Hussein-Mirza.). <https://mytashkent.uz/2013/02/10/>.
- [31] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б.239.
- [32] Ўзбек адабиёти тарихи (History of Uzbek literature). II том (XV асрнинг иккинчи ярми). –Т.: Фан, 1977.
- [33] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами (A perfect collection of works). 20 жилдлик. 14-жилд. –Т.: Фан, 1998. –Б.5-6.
- [34] Коджаспирова Г. М., Коджаспиров А. Ю. Педагогический словарь (Pedagogical dictionary). –М, 2000.
- [35] Рахимова Д.Н. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт (Modern management: theory and practice). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2007. –Б. 13.
- [36] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б.242.
- [37] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б.242.
- [38] Рахимова Д.Н. ва бошқ.Замонавий менежмент: назария ва амалиёт (Modern management: theory and practice). –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2007. –Б.64.
- [39] Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Boburnoma). –Т.: Фан, 1960. –Б.233.

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№2 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000